ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

# MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 24 (302) 2002 йил 12 июнь, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

Расмий хабар

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ҳамда уларни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб устав жамғармасининг миқдори камида 75 минг АҚШ долларига тенг бўлган ҳамда белгиланган бошқа шартларга жавоб берадиган корхоналар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида янги барпо этиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги органларида давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар деб ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида хорижий сармоя иштирокида янги барпо этилаётган ва устав жамғармаси миқдори 75 минг АҚШ долларидан кам бўлган корхоналар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган шаҳар ва туманлар ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади.

2. Белгилансинки, 2002 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январига қадар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида рўйхатга олиниб, ўз фаолиятини амалга ошираётган кичик ишлаб чиқариш корхоналари ва микрофирмалар солиқ солиш тизимидан қатъи назар амалдаги ставкаларга нисбатан 50 фоиз камайтирилган ставка бўйича солиқ тўлайдилар;

мазкур ҳудудларда рўйхатга олиниб, ўз фаолиятини амалга ошираётган ўрта ишлаб чиқариш корхоналари амалдаги ставкаларга нисбатан 50 фоиз камайтирилган ставка бўйича даромад /фойда/ солиғи тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб юқорида кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзлари берилиши туфайли республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бюджетлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларга тегишли ўзгартишлар киритсин.

3. Мазкур Фармоннинг 1 ва 2-бандларида кўзда тутилган имтиёзлар тегишли равишда белгиланган тартибда рўйхатга олинган, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган ва ўз фаолиятини амалга ошираётган ишлаб чиқариш микрофирмаларига, кичик ва ўрта корхоналарга, хорижий инвестициялар иштирокида янги ташкил этилган корхоналаргагина тааллуқлидир.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва норматив ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

6. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 11 июнь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

**Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида банд бўлган юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини янада соддалаштириш ва тартибга солиш, бюджетга солиқлар тушуми тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида:**

1. 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар учун белгиланган даромадидан олинадиган ягона солиқ жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар учун белгиланган даромадидан олинадиган ягона солиқ фойдаланиладиган умумий майдон бирлигини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган солиқнинг базавий ставкасига асосланиб жорий этилади ва бунда савдо корхоналарининг қаерда жойлашганига, улар сотадиган истеъмол молларининг тури, номи ва ассортиментига қараб ўзгарувчан коэффициентлар қўлланилади.

2. Белгилансинки, 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб улгуржи ва чакана савдо корхоналари (кичик корхоналар ва микрофирмалар бундан мустасно), умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғи, мулк солиғи, шунингдек ягона солиқ ўрнига ялпи тушум (товар обороти ҳажми)дан ягона солиқ тўлайдилар.

Ялпи тушум (товар обороти ҳажми)дан ягона солиқ тўловчи улгуржи савдо корхоналари белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғини ҳам тўловчилар эканлиги белгилаб қўйилсин.

3. Улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари учун божхона тўловлари, давлат пошлиналари, савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берадиган лицензия йиғимлари, шунингдек давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин. Бунда солиққа тортиш тизимини ўзгартириш ва солиқлар ставкасини индекслаш билан боғлиқ ўзгаришлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим фаолият турларини амалга оширишдан оладиган даромадларига қатъий белгиланган солиқнинг жорий этилиши тадбиркорлик, шу жумладан кичик ва хусусий бизнес субъектларининг фаолияти учун нисбатан ноқулай шарт-шароитни вужудга келтирувчи омиллар эмаслиги назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 20 май



Бахтиёрлик

## ЮТУҚЛАР МУСТАҲКАМЛАНИШИ КЕРАК

*Андижон маҳаллалари ҳам мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг яхши намуналарини ўзида акс эттирмоқда.*

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқарувининг раиси А.Гадойбоев Андижон вилоятининг Андижон, Хўжаобод, Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Шаҳрихон, Бўз, Улуғнор, Балиқчи, Избоскан, Олтинкўл, Пахтаобод, Марҳамат туманлари ва Қорасув, Хонобод шаҳарлари маҳалла оқсоқоллар, етакчилари, хотин-қизлар билан ишлаш кенгашлари раислари, посбонлари билан мулоқотда бўлган чоғида бу фикрлар эътироф этилди.

Андижон, Избоскан туманидаги Гузар, Пахтаобод туманидаги Тўпобжувоз, Омон Жўра, Наврўз ва бошқа бир қанча маҳалла фуқаролари йиғинларида, маҳаллаларда бўлган учрашув ва йиғинларда Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини яхшилаш, ҳокимият ваколатларини босқичма-босқич маҳаллаларга бериш, маҳалла обрўсини ошириш, молиявий томондан қўллаб-қувватлаш ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган ижобий ишлар, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда тизим фаолиятига оид бошқа ҳужжатларнинг амалда бажарилиши ҳақида сўз борди.

**Адаҳамжон ОМОНБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Олий Мажлис қўмитасида

## ХАЙРИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚАРИЯЛАР

*Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Матбуот ва ахборот қўмитаси «Қарияларни қадрлаш йилида хайрия ташкилотларининг ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

Давра суҳбатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими, ижтимоий таъминот, нодавлат жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари, хайрия ташкилотларининг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишда сўзга чиққан Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Ш.Салимова, Демократик институтлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимовлар республикамизда пенсия таъминотининг қонунчилик асослари, қарияларни қадрлаш борасидаги тадбирларда хайрия ташкилотларининг ўрни ва ушбу ташкилотлар фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида акс эттирилиши масалалари юзасидан маъруза қилдилар. Давра суҳбати қизиқарли баҳс-мунозаралар билан ўтди.

*Ўзбекистон телевидениесининг Тошкент каналида намойиш этиладиган «Ҳамшаҳарлар» кўрсатуви ижодкорлари томонидан янги, маҳалла ҳаётига оид «Менинг маҳаллам» шоу-кўрсатуви тайёрланаётгани ҳақида илгари хабар бергандик. 6 июнь куни пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири - Миллий истироҳат боғида ушбу шоу-кўрсатувнинг илк беллашуви бўлиб ўтди.*

Оқсоқол телеэкранда

## «МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ» – ҲАММАНИКИ

Сирғали туманининг Янги ҳаёт ва Абдураҳмон Жомий маҳаллалари ўртасида кечган беллашув жуда қизиқарли ўтди. Унда ҳар икки маҳалланинг оқсоқолидан тортиб посбонигача, кексаларидан тортиб боғча тарбияланувчиларигача зўр иштиёқ, завқ билан иштирок этдилар. Гарчи беллашув ғолиби Янги ҳаёт маҳалласи бўлган бўлсада, Абдураҳмон Жомий маҳалласи аҳли ҳам аҳиллик, билимдонлик, санъатсеварлик намунасини кўрсатдилар.

«Менинг маҳаллам» шоу-кўрсатувининг илк сонини ташкиллаштиришда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, унинг Сирғали туман бўлинмаси ва туман ҳокимлиги ҳомийлик қилдилар. Кўрсатув ижодкорлари, унинг бошловчиси ва муаллифи Шавкат Азизов келгусида «Менинг маҳаллам» кўрсатувини вилоятларда ҳам суратга олиш, уни республика миқёсидаги маҳаллалараро беллашув даражасига кўтаришни режалаштирганлар. Демак, «Менинг маҳаллам» шоу-кўрсатувининг янада оммабоп, жуғрофий жиҳатдан кенг кўламли бўлиши учун вилоятлар, республика миқёсидаги корхона ва ташкилотларнинг ҳомийлиги, қўллаб-қувватлаши даркор бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу кўрсатув замондошларимиз, жамиятимиз учун нафақат кўнгилочар, қизиқарли томоша сифатида, балки юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ривожланишида, такомиллашувида ўзига хос оммавий ташвиқот-тарғибот воситаси сифатида ҳам хизмат қилади.

**М.ҚОСИМОВА,**
**«Mahalla» мухбири.**



## «ЛОЙА ЖИРҒА» КЕЧИКТИРИЛДИ

*Афғонистон юрт оқсоқолларининг олий кенгаши «лойа жирға»нинг очилиши бир кун кейинга қолдирилди. Бунга ўтиш даври ҳукумати раҳбарлигига номзод кўрсатишдаги баъзи ноаниқлик ва бўлғувси ҳукуматда М.Зоҳир шоҳнинг роли ҳақидаги масала сабаб бўлган. Мамлакатнинг собиқ шоҳи М.Зоҳирнинг тарафдорлари унинг номзодини кўрсатганлар. Собиқ шоҳнинг ўзи ҳозирги маъмурият бошлиғи Ҳамид Карзай номзодини қўллашини билдирган.*

## ЯНГИ ВАЗИРЛИК

**Америка президенти Ж.Буш мамлакатда миллий хавфсизлик масалалалари билан шуғулланувчи янги вазирлик тузилишини маълум қилган. Тузиладиган бу ташкилот катталиги жиҳатидан Пентагондан кейинги ўринда туради. Бу органнинг йиллик бюджети қарийб 37 миллиард долларга тенг бўлиб, унда 170 минг киши хизмат қилиши мўлжалланган.**

**Мамлакат бош прокурори Ал-Қоида ташкилотининг яна бир аъзосини ҳибсга олганлигини маълум қилган. Йирик бинолардан бирини портлатишни мўлжаллаган Абдулла ал-Музоҳир исмли бу шахс Покистондан Чикагога учиб келганида аэропортда қўлга олинган.**

## КУН ТАРТИБИДА ҚАШШОҚЛИК МАСАЛАСИ

*Римда очилган БМТнинг озиқ-овқат саммитида сўзга чиққан К.Аннон донор давлатларни ваъдалардан аниқ амалий ишга ўтишга чақирди. Маълум бўлишича, ҳозир дунё бўйича 800 миллиондан ортиқ одам очликда кун кечирмоқда, ҳар куни эса 24 минг киши очликдан ўлмоқда экан. БМТ мутахассисларининг маълумотига кўра дунёдаги йигирмадан ортиқ давлатнинг аҳолиси ўта қашшоқликда ҳаёт кечирмоқда.*

## ВАЗИЯТ ЮМШАМАЯПТИ

**Қирғизистон парламенти мамлакатнинг жанубида жойлашган Тошкўмир шаҳридаги сиёсий вазиятни муҳокама қилишни давом эттирмоқда. Бу ерда кўча йиғилиши ўтказаётганлар Азимбек Бекназаровдан депутатлик мандатининг олинишига нисбатан норозилик билдирмоқдалар. Вазиятни ўрганиш учун парламент бир неча депутатни ўша ерга жўнатган.**

**3-саҳифада**

*Ўзбекистон Оқсоқоллари кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, республика «Нуроний» жамғармаси, «Ўзтелерадио» компанияси ҳамда «Экосан» халқаро жамғармаси бошқарувлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан «Кексаларни эъзозловчи намунали маҳалла» Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қўшма қарор қабул қилдилар. Ушбу кўрик-танловнинг Низоми газетамизда эълон қилинади.*

## Шу соннинг

**2-САҲИФАСИДА**

* Оқсоқолдан оқсоқолнинг фарқи бор.
* Кўча бошининг масъулияти оқсоқолникидан кам эмас!
* Қорақалпоғистон маҳаллалари қандай ишламоқда?

**3-САҲИФАСИДА**

* «Ўзимизни йўқотмасдан ўзимизни топайлик...»
* Кексаларини эъзозлайдиган маҳаллалар учун танлов.
* Компьютердан тўғри фойдаланмасангиз...

**4-САҲИФАСИДА**

* Сутчи хотиннинг сигирини нега сув оқизиб кетди?...
* Ёз кунида авж олувчи касаллик.
* Футбол шарҳловчиси футбол ишқибозлари учун!

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент,
Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар:
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-53-75
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

